

УДК: 616.995.1.616.995.121.

ИТЛАРДА ЦЕНУРОЗ КАСАЛЛИГИНИ ҚЎЗГАТУВЧИСИ ЧЎЛ ХУДУДИДА МУЛЬТИЦЕПТОЗЛАР ЧЎПОН ИТЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ.

Б.Н.Хакимов, в.ф.н, **О.У.Кўлдошев**, в.ф.д, **М.Б.Хакимов**, изланувчи,
С.А.Суванов, докторант.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

Аннотация: Ушбу мақола Жиззах вилоятининг Фориш тумани “Арион Капитал” масъуляти чекланган жамияти қўтонларидаги чўпон итлари мультицептозларнинг учраш даражаси ва касалликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Онкосфера, эхинококкоз, ценуроз, протосколекс, ареколин, гельминтлар.

Кириш: Республикамиз шароитида қўйларда учрайдиган гельминтознинг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш уларга қарши куришиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳамда энг кўп содир бўладиган ценуроз касаллиги оқибатида ўлим ва мажбурий сўйилишининг олдини олиш жойларда гўшт махсулдорлигини оширишга имкон беради. Ҳукуматимиз томонидан фермир ва масъуляти чекланган жамияти хўжаликларида қорақўлчиликни янада ривожлантиришга тўсик қилувчи омиллар ҳали мавжуд бўлиб, отарлардаги мавжуд чўпон итларнинг ўз вақтида гижжасизлантирилмаслиги бунинг натижасида қорақўлчилик фермер ва масъуляти чекланган жамиятлардаги бир ва икки ёшгача бўлган қўйларнинг нобуд бўлиши билан яқунланади.

Бир ва икки ёшли қўй калласининг ценур пуфақлари бош миясида, орқа миясида, айрим ҳолларда унинг чап томонида жойлашган бўлиб, асаб системаси фаолиятининг бузулиши, бир томонга айланиши, орқа оёқ фалажланиши белгилари билан характерланади.

Ценуроз касаллигининг қўзғатувчиси мультицепсис-мультицепсиснинг ривожланиш жараёнини ўрганиш узок ўтмишга бориб тақалади. Паразитнинг итлар танасида ривожланишини биринчи бор Зиболд (1854) томонидан ўрганилган. Муаълифнинг маълумотиغا кўра, мультицепсисларнинг узунлиги зарарлантиришнинг бешинчи кунда 125-300 мм гача, 20-кунига келиб эса 58,4 см.га етади. Зарарланишдан кейинги 30-кунда мультицепсислар тўлиқ етилади ва бўғинлар чиқара бошлайди. Мультицепсис гельминтини вояга етканларининг

тана (стробила) си 3,0 см дан 1 мм узунликдаги, эни 5,5 мм, 150-250 бўғиндан ташкил топган тасмасимон цистодлар.

Мультицепсислар ит, бўри, шағал каби гўштхўр хайвонларнинг ингичка ичагида паразитлик қилади.

Ўзбекистонда итларни гижжасизлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари XX асрнинг ўрталаридан бошдаб ривожлана бошланди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ценуроз нотекис тарқалган. Кавказ худудларида 10-20%, Доғистонда 22-46%, Туркманистонда 18,7% (1998) й, Ўзбекистонда 11,4% (1991) й.

М.И.Сополченка (1939) й “Копчигай” қорақўлчилик хўжалигида итларни йилгача уч марта, яъни апрель, июль ва сентябрь ойларига гижжасизлантирилиб, қўйлар орасида ценуроз ва эхинококкоз касалликларини кескин камайтиришга эришилган.

И.А.Субботина, Б.Н.Бакыев (2018) маълумотларига қараганда Туркманистонда итлар эхинококклар билан 28-57 фоизгача, мультицепсислар билан 13-23 фоизгача зараланган.

Ценурозга эпизоотик маълумотлар (қўзилар 6-12 ойлик), клиник белгилари (айланма ҳаракат, кўриш қобилиятини пасайиши, темир) ва ўлган ёки мажбурий сўйилган қўзилар бош мияси ценур пуфагини аниқлаш орқали ва мультицепсисларга чўпон итларига ареколин гидробромид препаратининг 0,01 мл сувли эритмаси ишлатилади.

Материаллар ва методлар: Тажриба Жиззах вилояти Фориш туман “Арион Капитал” масъуляти чекланган жамиятига қарашли 9 та қўтондаги 20 бош чўпон итлари табиий зараланган муҳитда олиб борилди.

Итларни гижжасизлантириш М.Аминжанов (1987) усулга кўра, гижжасизлантириш учун ареколин гидробромид препаратининг 0,01% сувли эритмаси ишлатилади. Препарат эритма 5 мг/кг миқдорида итни боғланган ҳолатда оғзи орқали (per os) берилади, сўнгра итлар ахлати билан ажралиб чиққан гельментлар қайси турдаги гельментлигини аниқлаш учун, итларни қўйиб юборилади.

Тажриба натижалари ва уларнинг тахлили: Жиззах вилояти Фориш тумани “Арион Капитал” масъуляти чекланган жамияти қорақўлчиликка ихтисослашган ва хўжалик қўйлар орасида бир неча йиллар давомида ценуроз касаллигига учраб иқтисодий зарар етказиб келмоқда.

“Арион Капитал” масъулятига қарашли қўтонларда ўртача 1-2 бош итлар сақланади. Чўпон итларининг *Multiceps multiceps* гельминти билан зарарланиш даражасини аниқлаш учун уларни боғлиқ ҳолда сақлаб ареколин гидробромид препаратининг 0,01% сувли эритмаси 5 мг/кг трик вазнига оғиз орқали берилади.

Натижада итларда кучли даражада ахлат ажратилиши ва шу билан биргаликда *Multiceps multiceps* гельминтининг вояга етган шакли 90-135 см узунликда бўлиб, чўпон итларнинг гельминтлар билан зарарланиш натижалари №1 жадвалда келтирилган.

Жадвал

№1

“Арион Капитал” МЧЖ қўтонлардаги чўпон итларининг *M. Multiceps* билан зарарланганлик даражаси.

Т.р	Хўжалик номи	Текширилган қўтонлар сони, та	Текширилган итлар сони, бош	Зарарланган итлар сони, бош	фойзи	Топилган гельментлар сони			
						M. multiceps		E.granulosus	
1	“Арион Капитал”	9	20	7	35	5	74,4	2	28,5
Жами		9	20	7	35	5	74,4	2	28,5

1 жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Жиззах вилояти “Арион Капитал” масъуляти чекланган жамиятидаги текширилган 9 та қўтондаги 20 бош чўпон итларининг 7 боши (35%) гельментлар билан зарарланганлиги, 2 бош (28,5%) итда эхинококкоз гельминти билан зарарланганлиги аниқланди.

Хулоса: Жиззах вилоятининг “Арион Капитал” масъуляти чекланган жамиятидаги чўпон итлари мультицепсис гельминти билан зарарланиши оқибатида бир ва икки ёшдаги қўйларнинг ценуроз касаллигига чалиниши сабабли масъуляти чекланган жамиятига катта зарар етказилиши аниқланди. Шунинг тасдиқлаш зарурки, фермер ва масъуляти чекланган жамиятларнинг чўпон отарларида ҳар кварталда бир маротаба чўпон итларини гижжасизлантириш ишлари олиб бориш шартлигива зарурлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Ш.А., Бекеров З., Джумаев З. Цестодозы собак пердгорногорной зоны Кашкадарьинской области // Мат. Научной конф. “Проблемы морфологии и паразитологии”. 1975.с.72-74.
2. Аминжонов М. Дегельминтизации и методы ее усовершенствования при цестодозах собак // Тр. УзНИВИ. Ч.11., 1979. Т. 19. С.21-30
3. Бекиров Р., Джумаев З., Пулатов Г., Новые антигельминтики против цестодозов собак.//Тр. УзНИВИ. Т.36. 1984. С. 7-11.
4. Бойсугуров Т. Арзиев Х. “Қизилқум” ва чегарадош массивларда итларнинг мультицептозлар билан зарарланиши. Илмий мақолалар тўплами. УзНИВИ., “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши кураш ва олдини олиш тадбирлари”. 18-21 бетлар 2000 й.